



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-514

« » 20 г

Денов тумани И.Тураев СИУ ҳудудидан
“FOZILBEK-QURBON” хусусий корхонасига
хом ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилиши ва
тупроқ олиш каърери учун ер майдони
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/645-сон йиғилиш баёни, Денов тумани ҳокимининг 2020 йил 6 августдаги 01-36/745-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/645-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Денов тумани И.Тураев СИУ ҳудудидан “FOZILBEK-QURBON” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 85к-дала контуридаги жами 0,65 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,15 гектари хом ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилиши ва 0,50 гектари тупроқ олиш каърерига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “FOZILBEK-QURBON” хусусий корхонаси 0,15 гектари хом ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилиши ва 0,50 гектари тупроқ олиш каърери учун жами 0,65 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 3 310 410 (уч миллион уч юз ўн минг тўрт юз ўн) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Денов тумани ҳокимлиги (Б.Ибатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов